

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ


Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 214 (10.519) / 2005 ЙИЛ 31 ОКТЯБРЬ

«ЁШЛИК» ЯНАДА ЯШАРМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда маънавий етук, жисмонан баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, йигит-қизлар онгу шурурига миллий ва умуминсоний кадриятларни чуқур сингдириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат руҳида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.



Давоми 2-бетда.

Келажак эгаларига замон талаблари асосида таълим бериш, ёшларнинг ўқиши, яланиши, ўз истеъдодини тўла намоён этиши учун барча шарт-шароитларни яратиш доимий эътиборда.

ПОЙТАХТНИНГ

Дар кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **БУГУН** Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик ҳаётида «Камолот» етакчилари иштирокида ўтказилган «Сиз «Камолот»ни биласизми?» мавзусидаги ўқув семинари «Камолот» ЕИХ Яққасарой тумани Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **ЎТГАН** кунни Яққасарой туман ҳокимлигида мактаб ўқувчилари ўртасида уюштирилган кўрик-танлов «Энг қизиқарли экологик рўзнома» деб номланди.

● **ЎТГАН** кунни Учтепа туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида миллий анъаналар ва урф-одатларни ёшлар онгига сингдиришнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда маҳалалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, фаол аёллар иштирок этишди.

● **БУГУН** Бектемир туман болалар кутубхонасида китобхонлар иштирокида ўтказилган адабий кеча «Жисмоний тарбия — саломатлик гарови» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

«ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунийлик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш қошида таъсис этилган умумзаърий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий «Фуқаролик жамияти» — Гражданское общество — Civil society» журналининг махсус сони нашрдан чиқди.

Махсус сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24 - сонли «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»-ги қарорига бағишланган. Журналда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ҳамда иловаларнинг тўлиқ матни, шунингдек ишчи гуруҳлар раҳбарларининг Дастурнинг аниқ йўналишларини амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги мақолалари ўрин олган.

Хусусан, ишчи гуруҳ раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди расисининг ўринбосари Б.Мирбоёвнинг мақоласида асосий эътибор парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунийлик, ихро ва суд тармоқлари ўртасида янада муносиб ва барқарор мувозанатга эришиш масалаларига қаратилган.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштириш масалалари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, ақлия вазири Б.Мустафоевнинг мақоласида эса соҳадаги ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга оширишга оид масалалар атрофида таҳлил қилинган.

Дастур ихроси бўйича яна бир ишчи гуруҳ раҳбари, Бош вазир ўринбосари А.Ориповнинг мақоласида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократ-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида» 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2005 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 3 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2005 йил 3 ноябрь дам олиш кунини деб белгиланган ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 27 октябрь.

«ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ»

Журналда саҳифаларида ишчи гуруҳ раҳбари, таққи ишлар вазири Э.Ғаниев томонидан Ўзбекистоннинг таққи сиёсат масалаларининг устувор йўналишлари кенг таҳлил қилинган.

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни янада эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда асосий йўналишлар ишчи гуруҳ раҳбари, Бош вазир ўринбосари В.Ғолишевнинг мақоласида ўз ифодасини тошган.

Журналнинг махсус сонидан чоп этилган материаллар ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш борасида олиб борилаётган сиёсатни янада чуқур ва атрофлича етказиб беришга хизмат қилади.

зиларида эса биронта ҳам ҳуқуқшунос-мутахассис фаолият кўрсатмайди. Ваҳоланки, юртимизда алоҳида юридик институт, қатор университетларнинг юридик факультетлари, педагогик йўналишдаги университет ва институтларнинг барчасида «ҳуқуқ ва миллий истиқлол гоёси» йўналишида мутахассислар тайёрланмоқда.

Талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ҳуқуқ ҳодимлари билан мулоқотлар, уйрашувлар яқши самара бериши, олий таълим муассасалари мансабдор шахслар, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда тадбирлар олиб бориши зарурлиги таъкидланди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилган семинар «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»нинг олий таълим муассасаларидаги ихросига бағишланди.

Кўмита раиси Азамат Зий бошқарган анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг масъул ходимлари, олий таълим муассасаларининг биринчи проректорлари, кафедраларнинг мудирлари, олимлар қатнашди.

Унда фуқароларнинг, хусусан талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга

қаратилган мазкур дастур ихросини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг ўқув-усулбий асослари яратилгани қайд этилди. «Ҳуқуқшунослик», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси»ни ўрганиш» фанлари жорий қилинган.

Ҳуқуқ йўналиши бўйича 11 номдаги дарслик ва ўқув қўлланма-

лари ҳамда 42 номдаги услубий ва мезёрий ҳужжатлар нашр этилган. Профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш мақсадида 24 соат ҳажмида малака ошириш курслари ташкил қилинган.

Аммо, анжуманда қайд этилганидек, айрим олий таълим муассасаларининг ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича мутахассис ўқитувчилар билан таъминланиши талаб даражасида эмас. Баъ-

XXVI саҳоси

Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Жиззах шаҳридаги «Маънавият ва маърифат» марказида тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида Юрбошимизнинг тадбиркорлик субъектларини текширишни қисқартиришга бағишланган Фармони ижросини таъминлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

● **Қашқадарё, Фарғона, Жиззах вилоятларида жорий йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари шунингдек, иқтисодийни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнида бурчдорлаштириш борасидаги устувор вазифаларнинг бажарилишига бағишланган фаоллар йиғилиши ўтказилди.**

● **«Камолот» ЕИХ Марказий Кенгашида республика ОИТС маркази, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, «Сен ёлғиз эмассан» хайрия жамғармаси каби қатор маҳаллий ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида «Болалар учун ОИТСга қарши курашда бирлаш!» номли бутунжаҳон кампаниясининг тақдими ўтказилди.**

● **Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига шарҳ китобининг чоп этилишига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди.**

Жаҳонда


● **Покистон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киришни режалаштирмоқда.**

● **БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури раҳбари Жеймс Моррис Африкадаги беқарор вазият ушбу ташкилотнинг очарчиликка қарши амалга ошираётган чора-тадбирларига халал бераётганлиги тўғрисида таъкидлади.**

● **Ҳиндистон пойтахти Дехли шаҳридаги бозорларда кетма-кет унга террорчилик ҳаракатлари содир этилиши натижасида 50 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирча ҳеч қандай гуруҳ мазкур ҳаракатларни амалга оширганликни ўз бўйига олмаяпти.**

● **Куба охириги ўн йилликлар давомида илк бор «Вильма» тўғрисида оқибатларини бартараф этиш учун АКШ томонидан юборилган ёрдамни қабул қилди.**

● **Саудия Арабистони Жаҳон савдо ташкилотига кириш учун тайёр эканлигини билдирди. Бироқ бу бордаги аниқ қарор ЖСТ Бош кенгашининг 11 ноябрдаги йиғилишида қабул қилинади.**



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Россия хавфсизлик хизмати мутахассисларининг маълумотларига кўра, террорчиларнинг бир неча минг соатлик телефон сўзлашувлари ёзиб олинган, бироқ уларда ишлатилган сўзларнинг асл маъноси аниқлангани йўқ. Бу ҳақда Вашингтондаги давра суҳбатда чиқиш қилган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирининг собиқ ўринбосари Анатолий Адамишин маълум қилди. Телефон сўзлашувларини шифрлаш террорчиларнинг режалари ва бошқа маълумотларни аниқлаш имконини беради.

● Нигерияда ҳалокатга учраган маҳаллий авиакомпанияга тегишли Boeing-737 йўловчи ташиш самолёти қолдиқлари топилди. Нигерия телекомпанияси хабар қилишича, авиакатастрофа туфайли 116 нафар йўловчи ва экипаж аъзолари ҳалок бўлган. Бундан аввалроқ эса йўловчиларнинг ярмидан кўпроги тирик қолгани айтилган эди. Бироқ, Қизил Хоч ташкилоти томонидан ўтказилган текширувлар натижасида бу маълумот инкор этилди.

● Покистон шимоли-шарқда Рихтер шкаласи бўйича 6 балли ер силкниши кузатилди. Хабарларга кўра, зилзила маркази Мингаор шаҳрида бўлди. Ҳозирча таалафотлар хусусида хабарлар тарқатилмаган. Шу йилнинг 8 октябрида юз берган зилзила оқибатида ҳалок бўлганлар сони 53 минг кишидан ошиб кетиши тахмин қилинмоқда.

● Италия полицияси Сицилия мафия оламининг энг хавфли боссларидан бири Умберто Ди Фациони қўлга олди. 42 ёшли Ди Фацио бир неча йилдан буён ҳалқаро қидирувда бўлиб, у қатор қотилликлар, зўравонликлар ва фирибгарликда айбланди. CNN хабарларига кўра, уни қўлга олиш вақтида мамлакатнинг деярли бутун хавфсизлик кучлари оёққа турган.

● Бразилияда ўқотар курул савдосини тақиклаш бўйича референдум ўтказилди. Дастлабки маълумотга кўра, мамлакат аҳолиси курул савдоси тақикланишига қарши чиққан. Бразилияда ўтган йили ўқотар куруллар дастидан 36 минг одам ҳаётдан кўз юмди. Бу дунёдаги энг катта кўрсаткичдир.

● Австралиянинг Тасмания ороллари қирғоқларида китлар ўзларини ёппасига ўлимга ҳукм қилишмоқда. Оролнинг жанубий қисмидаги пляж соҳилларига 60 та кит келиб урилди. Оқибатда барчаси ҳалок бўлди. Уч кун мобайнида у ерда 130 дан зиёд бу каби улкан жониворлар ўзларини ҳалок этишди. Бу воқеалар кўпчиликни ташвишга солмоқда.



Давоми. Боши 1-бетда.

Навқирон авлодни билимли, маърифатли, соғлом тафаккурли этиб камолга етказишда эса таълимнинг ўрни беқийёс. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004-

2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида юзлаб мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар барпо этиляпти. Олий ўқув юрталарининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда.

Янги барпо этилган ва таъмирланаётган ўқув муассасаларининг барчаси замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Ўқитувчилар малака ва маҳоратини ошириш, таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бундай кулайликлардан унумли фойдаланаётган ёшларимизнинг илм-фаннинг турли йўналишлари, ишлаб чиқариш, спорт, санъат ва бошқа жабҳаларда эришаётган ютуқлари тобора кўпаймоқда.

Мамлакатимиздаги етакчи илм-фан марказларидан саналган Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети талабалари орасида ҳам билими, ингилиши, ташаббускорлиги, жамоат ишларида фаоллиги билан тенгдошларига ибрат бўлаётган ана шундай ёшлар кўп.

Айни кунларда мазкур университетлар ва бошқа кўлаб илм-фан муассасалари жойлашган «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Булар ҳам ёшларимизнинг порлоқ келажagini йўлга қўлинаётган гамурликлардир.

— «Ёшлик»даги талабалар уйлари, профилакторий ва бошқа биноларнинг барпо этилганига қарийб ярим асрга яқин вақт ўтгани сабабли уларнинг аксарияти таъмирталаб бўлиб қолган эди, — деди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими ўринбосари Самийгов Ҳикматов УЗА мўжбига. — Ҳозир уларнинг барчаси миллий ва замонавий меъморлик талабалари асосида тубдан таъмирланипти.

Мазкур ҳудудда йигирма учта олий ўқув юрти, академик лицей, касб-хунар коллежи, малака ошириш институти ва бошқа таълим, илм-фан марказлари жойлашган. Қирқ битта ётоқхонада тўққиз минг нафарга яқин талаба истиқомат қилади.

таклиф ва тавсиялари асосида танлаб олинади. Ёруғ ва шинам хоналарга шовқин ўтказмайдиган ромлар ўрнатилляпти. Улар ҳар қандай иқлим шароитида хона ҳароратини бир меъёрга сақлаб тура олади.

Реконструкция жараёнида шаҳарча янада чирой очади. Қуриган, пала-партиш экилган айрим дарактлар ўрнига манзарали кўчат ва гуллар экиляпти. Игна баргли арча дарактлари, гуллар ва гиёҳлар атроф-муҳит кўрकिга кўрк қўшиб, ҳаво мусофологини ҳам таъминлайди.

— Биз қарийб уч ойдан буён Тошкент давлат техника университети 57-талабалар уйини таъмирляяптим, — дейди «Газтаъмир» махсус қурилиш ташкилоти директори З.Бобохонов. — Ҳозир пардозлаш ишларини олиб бораётишимиз. Бинонинг барча қувурлари янгилаб, қўлай иситиш қурilmалари ўрнатилди.

Мазкур университетнинг 71-талабалар уйида иш олиб бораётган пойтахтимиздаги 12-қурилиш ташкилоти қурувчиларининг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Икки юздан кўпроқ ўрнига эга бу бинодо асосан қизлар истиқомат қилиши мўлжалланган. Шу боис таъмирлаш жараёнида улар учун тегишли ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Шаҳарчадаги стадион, спорт мажмуалари, теннис кортлари, волейбол ва баскетбол майдончалари қайта таъмирланиши билан бирга иккита гимнастика зали, иккита ёпиқ сузиш ҳавзаси ва тўрт минг кишига мўлжалланган янги стадион ҳам барпо этилмоқда. Тошкент тиббиёт академиясига қарашли академик лицей ўқувчилари учун тўрт юз ўринга мўлжалланган замонавий янги бино қуриляпти.

Бундай кулайликлардан манман талабаларнинг ҳам кули-қўлига тегмайди. Икки юздан кўпроқ ўрнига эга бу бинодо асосан қизлар истиқомат қилиши мўлжалланган. Шу боис таъмирлаш жараёнида улар учун тегишли ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бундай кулайликлардан манман талабаларнинг ҳам кули-қўлига тегмайди. Икки юздан кўпроқ ўрнига эга бу бинодо асосан қизлар истиқомат қилиши мўлжалланган. Шу боис таъмирлаш жараёнида улар учун тегишли ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Баҳор ХИДИРОВА, УЗА мўжбига СУРАТЛАРДА: «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги қурилиш ишларидан лавҳалар. Сарвар Урмонов (УЗА) олган суратлар.

«ЁШЛИК» ЯНАДА ЯШАРМОҚДА



Курувчи ва лойиҳачилар барча ижтимоий иншоотлар, айниқса талабалар уйлари-нинг ташқи ва ички қўриниши, дизайни ва жиҳозланишига алоҳида эътибор қаратаётди. Ётоқхоналарда қўши ва яшаш учун барча қўлайликлар яратилляпти. Талаба дарсдан бўш вақтидан унумли фойдаланиши ва спорт билан шугулланиши учун янада кенгрок имкон яратиш мақсадида ётоқ биносида компьютер ва интернет хоналари, кутубхона, ошхона, тренажёр, теннис, кураш ва бошқа йўналишлар бўйича спорт заллари ташкил этилмоқда.

Авалги талабалар уйларида ошхона бинонинг ўртасида жойлашгани боис, муайян муаммолар туғдирарди. Қайта таъмирлашда ошхоналар бинонинг чекка қисмига чиқарилиб, ётоқхоналарнинг санитария-гигиена талабларига тўла жавоб беришига эришилляпти. Бу ерда замонавий газ плиталари, кир ювиш ва қуриши машиналари, кийим дазмоллаш ва ювиниш хоналари жиҳозлари талабалар истиқоиди бўлади.

Талабалар уйлари жиҳозлаш мақсадида мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида махсус танлов эълон қилинган. Ҳозир ундан зиёд ана шундай жиҳозлардан намуна олиб келинди. Диван, стол, стул, шкаф, дераза пардаси, гилам, қандил ва бошқа воситалар мутахассислар

таъмирлаш жараёнида улар учун тегишли ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шаҳарчадаги стадион, спорт мажмуалари, теннис кортлари, волейбол ва баскетбол майдончалари қайта таъмирланиши билан бирга иккита гимнастика зали, иккита ёпиқ сузиш ҳавзаси ва тўрт минг кишига мўлжалланган янги стадион ҳам барпо этилмоқда. Тошкент тиббиёт академиясига қарашли академик лицей ўқувчилари учун тўрт юз ўринга мўлжалланган замонавий янги бино қуриляпти.

Бундай кулайликлардан манман талабаларнинг ҳам кули-қўлига тегмайди. Икки юздан кўпроқ ўрнига эга бу бинодо асосан қизлар истиқомат қилиши мўлжалланган. Шу боис таъмирлаш жараёнида улар учун тегишли ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бундай кулайликлардан манман талабаларнинг ҳам кули-қўлига тегмайди. Икки юздан кўпроқ ўрнига эга бу бинодо асосан қизлар истиқомат қилиши мўлжалланган. Шу боис таъмирлаш жараёнида улар учун тегишли ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Семинарлар

ДОЛЗАРЪ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Кўни кеча Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Шайхонтоҳур тумани филиали ҳамкорликда Президентимизнинг юртимизда тadbиркорликни ривожлантиришга оид Фармонлари ва қарори ижроси юзасидан тadbиркорлар учун семинар-йиғилиш ташкил этишди.

Тadbирда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, шаҳар Савдо-саноат палатаси бошқармаси департаменти, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Шайхонтоҳур туман кенгаши, туман Давлат солиқ инспекцияси, туманда фаолият юритаётган тижорат банклари ҳамда тadbиркорлар қатнашдилар.

— Таъкидлаш керакки, ушбу туманда бизнес соҳаси вакиллари ва ҳокимлик тузилмалари

ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш орқали тadbиркорлик субъектлари манфаатини химоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунинг баробарида ишбилармонларнинг ҳуқуқий химоясини таъминлаш масалалари юзасида кўлаб учрашувлар, семинар-йиғилишлар, баҳс-мунозаралар ўтказилмоқда, деди жумладан тadbирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси бошқармаси департаменти бошлиғи Наримон Абду-

жабборов. Улардан кўзланган мақсад эса пойтахтимизда хусусан, мазкур туманда фаолият юритаётган тadbиркорлар олдига турган энг долзарб муаммоларни таҳлил этиш орқали уларнинг йўлида гов бўлаётган айрим тўсиқларни бартараф этишга ҳар томонлама кўмаклашиш, назорат органлари, ҳокимлик тузилмалари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни ривожлантириш ҳисобида ишбилармонларнинг юртимиз иқтисодийети раванқидаги ҳиссалари салмоқли бўли-



шига эришишдир.

Эътиборли томони, мазкур семинар-йиғилишда туман тadbиркорлари ҳамда мутахассислар томонидан юқоридаги ҳужжатлар юзасидан кўлаб чуқур мулоҳазали фикрлар, ўринли таклифлар билдирилди. Шу билан бирга, тadbиркорлар метёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилар изоҳида тўлақонли жавоб олишига эришилди.

Савол-жавоб, яъни мулоқотлар давомида йиғилганларда, айниқса туманда фаолият юритаётган тadbиркорларда анчайин фаоллик сезилиб турди.

Шу каби юзма-юз учрашувлар, бевосита мулоқотлар қанчалик кўп уюштирилиб турилса, бу фақат ривожланиш сари хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА



— Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор, аввало, юртимизнинг эртаси - ёшларга бўлган эътибор, улар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлоднинг тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўлида амалга ошириладиган эзгу ишларнинг ёрқин намунасидир.

Маълумки, собиқ шўролар тўзуми даврида юртимизда болаларнинг аксарияти кўпроқ дала юмушлари билан банд бўлиб, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш учун имкони йўқ эди. Шаҳарлардаги беш-олти стадионни айтаманда, болалар учун спорт мажмуалари, иншоотлари жуда кам эди.

Истиқлол йилларида юртимизда болалар спортини оммавий, узлуксиз тизим асосида ривожланиш йўлига тушди. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига биноан мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», академик лицей ва касб-хўнар коллежи ёшларининг «Баркамол авлод» ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада» спорт мусобақаларини ўтказиш аънаънага айланди.

Бу мусобақалар юртимиздаги таълимнинг барча тизимидаги ёшларни қамраб, спортни уларнинг кундалик эҳтиёжига айлантиришга ва шу орқали миллат генофондининг соғлом бўлишида, фарзандларимизда метин ирода, қатъият, ўз-ўзига ишонч каби фазилатларни шакллантиришда муҳим омилга айланди.

Бўлажак спорт юлдузлари ўз маҳоратини аввало ана шу турнирларда намойиш этмоқдалар. Бу жараёнда барча спорт федерациялари мураббийларига истеъдодли ёшларни кашф этиш учун катта имкониятлар очилмоқда. Жаҳонда ўқувчи ва талаба ёшларининг турли даражадаги спорт мусобақалари мавжуд. Бирок ўсмир ва ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этишнинг мамлакатимизда амал қилаётган даражадаги спорт мусобақалари мавжуд. Бирок ўсмир ва ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этишнинг мамлакатимизда амал қилаётган даражадаги спорт мусобақалари мавжуд.

Президентимиз томонидан 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори болалар спортининг узлуксизлигини, оммавийлигини янада изчил таъминлашда навабтардаги муҳим қадамлар бўлди.

Болалар жисмоний тарбияси ва спортини ривожлантириш бўрасида давлат сиёсатини амалга оширишда кўмаклашиш, ёш авлод қалбида спортга меҳр уйғотиш, уларни турли салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш жамғарманинг асосий вазифасидир.

Шу билан бирга, болалар жисмоний тарбияси ва спортини моддий базасини шакллантириш, аҳоли турар жойларида, айниқса, қишлоқларда болалар спорт мажмуаларини барпо этиш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлашга кўмаклашиш

ҳам жамғарма зиммасидадир. Жамғарма ташкил этилганидан буён ўтган вақт мобайнида икки юз тўққизта янги спорт иншооти қуриб фойдаланишга топширилди, шу жумладан 74 та умумтаълим мактабида замонавий спорт заллари қуриб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Бундан ташқари, ўтган вақт мобайнида бир юз етмиш икки бино қайта реконструкция қилинди. Санаб ўтилган иншоотлардан ташқари, фермерлар, тадбиркорлар томонидан ҳомийлик ёрдами сифатида республикамизда 27 та кўшимча болалар иншооти амалдаги лойиҳалар асосида қуриб, фойдаланишга топширилди. Янги спорт иншоотларининг аксарияти қишлоқ жойларда бунёд этилаётгани эътиборга лойиқдир. Жумладан, фақат жорий йилда қуриб фойдаланишга топширилган спорт мажмуаларининг 85 фоизи қишлоқларга тўри келди.

Болалар спортини ривожлантиришга давлат миқёсида қўрсатилаётган эътибор натижа-сида мамлакатимизнинг олис ва чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт иншоотлари қурилиб, уларда фарзандларимиз спортнинг

қасини ошириш ва қайта тайёрлашга ҳам жиддий эътибор қаратилаётган. Замон талаблари асосида ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларига мувофиқ, умумтаълим мактабларининг 1-11-синфлари учун «Жисмоний тарбия» ўқув қўлланмалари яратилиб, амалиётга жорий этиляпти.

Юртимизнинг чекка ҳудудларида, айниқса, қишлоқларда спортнинг оммавийлигини ошириш, хусусан, қизларни спортга жалб этиш, фойдаланишга топширилган спорт иншоотлари қувватидан самарали фойдаланишнинг бугунги аҳолини жиддий ўрганиш мақсадида жамғарма ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жисмоний тарбия ўқитувчилари, спорт мураббийлари, спорт фахрийлари, давлат ва нодавлат жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида амалий семинарлар ташкил этилди. Аниқланган камчилик ва муаммолар, билдирилган тақлифлар жамғарма томонидан пухта ўрганиб чиқилиб, ҳал этиш йўллари белги-ла олindi.

Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ва қизиқarli ташкил этиш мақсадида барча зарур шароит яратилмоқда. Натижада спорт билан мунтазам шугулланаётган ўғил-қизларимиз сони тобора ортмоқда. Бундай болалар ҳозир икки миллион тўрт юз йигирма уч миң нафарни, бошқача айтганда, мактаб ўқувчиларининг 36,4 фоизи ташкил этади.

Айни пайтда мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида «Соғломжон», «Полвожон» спорт мусобақалари, «Кувноқ стартлар» спорт уйинларини ўтказиш аънаънага айланган.

Халқ таълими вазирлиги тасаруфидидаги тўрт юзга яқин болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг фаолияти янги асосда ташкил этилди. Бу эса уларни малакали мураббийлар билан таъминлашда, спорт секцияларининг кўпайиши ва айни пайтда уларга жалб этилган ўқувчилар сонининг ортишида муҳим омил бўлмоқда.

Болалар спортини ривожлантиришда қизларнинг ўзлари қизиққан спорт турлари, айниқса, бадий гимнастика билан мунтазам шугулланишнинг таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бундай қизлар орасида Бухоро, Сурхондарё, Херазм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари, айниқса, кўпчилиги қувончлидир.

Албатта соҳада муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Баъзи вилоятларда, хусусан, Андижон вилояти Хўжабод туманидаги 25-мактаб, Булоқбоши туманидаги 9-мактаб, Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги 44-мактаб, Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги 13-мактаб спорт заллари, Бўстонлик тумани Қараманас қўرғонидagi спорт иншоотининг қурилиш ишлари асоссиз равишда қўзғиб юборилмоқда.

2003-2005 йил қуриб фойдаланишга топширилган болалар спорт иншоотларини спорт анжом ва ускуналари билан таъминлаш жараёнида маҳаллий корхоналар мажбуриятлари алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Шундай бўлса-да, айрим маҳаллий корхоналарда замон талабларига мос мажмуотлар ишлаб чиқариш хали тўла йўлга қўйилмагани боис бир неча спорт анжомлари хориждан келтирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миллат келажиги, фарзандлар камолоти йўлида бошланган болалар спортини ривожлантиришдек хайрли ишлар ўз самарасини бера болади. Уни янада жонлантириш аввало жамғарма қозаверса, барча мутасадди ташкилотларнинг қўлига қўйилмоқда. Зеро, фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан камолотга эришувини таъминламоқ учун барчамиз бирдек масъулмиз.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганга уч йил тўлди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки пайтларданок Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ватанга садоқатли, соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан этиш белгиланди. Юртимизда бошқа соҳалар қатори таълим тизимида амалга оширилаётган тўб ислохотлар, жумладан, жисмоний тарбия ва спорт равнақи ҳам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Юртбошимизнинг фармонида мувофиқ ташкил этилган ушбу жамғарма ўз зиммасидаги вазифани қай тарзда уदдаламоқда, бугунги кунда қандай ишларни амалга оширмоқда? Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси директори ўринбосари Олимжон ШАРОФХЎЖАЕВ бу ҳақда ЎЗА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:



кўпгина турлари билан мунтазам шугулланмоқда. Навоий вилоятининг Хатирчи туманида учта — «Тасмачи», «Лочин» ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги спорт иншоотлари фаолият қўрсатмоқда. Наманганнинг Янгиқўрғон туманида, Бухоронинг Қорақўлида, Қашқадарёнинг Косон, Сурхондарёнинг Бандихон, Сариев, Қорақалпоғистоннинг Кеғейли, Хўжайли, Амударё туманлари қишлоқларида бунёд этилган замонавий спорт мажмуалари бугун болаларнинг сеvimли масканларига айланган.

Янги барпо этилган спорт иншоотларини зарур анжом ва ускуналар, жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда қўرғазмалар, тендер савдолари ўқазилмоқда. Тендерларда ғолиб чиқаётган ташкилотларнинг деярли барчаси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар эканлиги эътиборга моликдир.

Жамғармаимиз томонидан болаларни жисмоний тарбиялашнинг илмий асосланган замонавий тизимлари, шакл ва услубларини жорий этишга катта аҳамият берилмоқда. Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги тизимида йигирма уч миң нафардан зиёд жисмоний тарбия ўқитувчилари фаолият қўрсатмоқда. Уларнинг меҳнатини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш билан бирга юртимизнинг етакчи илмий марказлари ва институтларида мала-

Иқтисоқий

ХАРИДОРГИР ЭЛЕКТР МАХСУЛОТЛАР

Эҳтиётсизлаб электр махсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг харидорлигини таъминлашда «PGS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси соҳада етакчи ҳисобланади.

Салкам 10 йилдан буён фаолият юритаётган корхона жамоасининг серқирра меҳнатлари самараси ўлароқ ҳозирги кунга келиб буюртмачиларни мамнун қилаётган қўлпа турдаги электр махсулотлар — кичик новвойхона, мева-сабзавотлар, шифобахш ўт-ғиёҳлар, макорон махсулотларини қуришга мўлжалланган ускуна, қўркам иситкичлар, қозон, қўра, тиббиёт каравоти, сандаллар электр қуввати сарфида тежамкорлиги билан нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ишлаб чиқарилаётган, балки қўлпа хорижликларнинг шу турдаги электр асбобларидан ажралиб туради.

Корхона тадбиркорлари асосий эътиборни сифатга қаратган ҳолда йилдан йилга қўркам, импорт ўрнини босувчи, ишлашга даулай, экологик тоза, асосийси, нисбатан арзон махсулотлар ишлаб чиқариб, миҳозларни мамнун қилишмоқда. Тажриба-синовлари нияҳосига етказилаётган 2 турдаги янги-қабоб пишшириш ҳамда сомса ёпиш учун мўлжалланган электр тандир ва қайтадан мукамаллаштирилган кичик новвойхоналар билан бирга, галикда корхона махсулотлари 18 тани ташкил этади.

ХОРИЖЛИКЛАРНИ ҲАМ МАФТУН ЭТАДИ

Халқ хунармандчилиги махсулотлари асрлар оша ўз мафтуночилигини йўқотмаган, балки ота-боболаримизнинг ўлмас мерослари кунт билан ўрганилади, эъзозланади. Истиқлолимиз шарофати билан хунармандларимиз кичик хорижликларни ҳам ўзига мафтун қилмоқда.

Еғоч ўймакорлиги устаси Мирфаёз Абдуфаттоҳов наққошлик санъатини пухта эгаллаганиги билан хунармандлар орасида ўз ўрнига эга. У Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими қошидаги Абдуқосим мадрасасида ташкил этилган «Устоз — шогирд» йўналишидаги мактабда ижод қилиш билан бирга, ёшларга сабоқ бермоқда. Мирфаёзнинг санъатидан сайқал топган 25 турдаги асарлар — нақшикор қўтичалар, лавҳлар, стол-стуллар, эшик, лаган, қўламдон каби бир-бирдан гўзал буюмлар нафақат юртдошларимизни, балки хорижликларни ҳам ўзига мафтун қилмоқда.

Устанинг махсулотлари ушбу мадрасага ташриф буюрган дунёнинг барча бурчакларидан келган сайёҳларга сотилмоқда. Жумладан, шаҳримиздаги тўрт юлдузли, маҳабатли меҳмонхоналар — «Интерконтинентал», «Гранд Мир», «Дедеман»даги ёдгорлик дўконларида хунарманднинг захматли меҳнати маҳсули бўлган еғоч ўймакорлиги буюмлари миҳозларни мумнун этмоқда. Бу эса уста хунармандга қанот бағишлаб, янги махсулотлар яратиш, хунармининг сирасорларини шогирдларга пухта ўргатишга ундамоқда.

Муҳаддас УМАРБЕКОВА

Саолат

Совуқ фасллар бошланиши билан инсон организмнинг касалликка мойиллиги бирмунча ошиб, шамоллаш ҳолатлари кўплаб кузатилади. Сурункали томоқ оғриши, оёқ-қўлларнинг зирқираши ва аъзолардаги касалликларнинг давомийлигидан ҳар қандай бемор организми ўз-ўзидан дори-дармонларга эҳтиёж сезиши табиий. Албатта, бу дори-лар табиий воситалардан тайёрланган бўлса, янада яхши натижа беради. Бугунги кунда «Radiks» илмий ишлаб чиқариш корхонасида ана шундай табиий илдизлардан сифатли дори маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.



ИЛДИЗДАН ТАЙЁР ДОРИ ВОСИТАЛАРИ

2003 йилда ўз иш фаолиятини бошлаган ушбу фармацевтика заводида дастлаб икки турдаги дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 70 дан ошиб кетган.

— Бугунги кунда илмий ишлаб чиқариш корхонамизда гален препаратлари, хапдорилар, сироплар, глицерин препаратлари ҳамда суртма дорилар ишлаб чиқарилмоқда, — дейди корхона раҳбари Комилжон Қосимов. — «Radiks» лотинчада «илдиз» деган маънони билдиради. Корхонамизда тайёрланаётган дори воситалари ҳам асосан илдизлардан тайёрланади. Бу ерда айни дамда 50 нафар ходим ишлаётган бўлса, шулардан 4 нафари фан номзодларидир. Ўз номи билан илмий ишлаб чиқариш корхонаси бўлгани боис бу ерда янги дори препаратлари ва сироплар устида ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда тайёр гален препаратлари, яъни этил спиртлар, йодлар, женьшен настойкалари, яшил суртма дори-лар, камфор мойлари, 10, 25, 40, 90 миллилитрли флаконларда қадоқланиб, сотувга чиқарилмоқда. Стрептоцид, сенадиксин, парацетамол, анальгин, ларингосепт



ва бошқа шу каби хапдорилар қозғов ва кутиларда қадоқланмоқда. Айни пайтда 10 дан ошмиқ турдаги суртма дорилар ҳамда глицерин препаратлари ишлаб чиқарилаётган корхона Хитой ва Ҳиндистондан келтирилган технологиялар билан таъминланган бўлиб, ишлаб чиқариш унумдорлиги ҳам каттадир. Ўтган йили корхонага капсула ишлаб чиқарадиган замонавий апаратура келтириб ўрнатилди. Эндиликда суоқ дорилар учун капсулалар корхонанинг ўзида тайёрланмоқда.



Бугунги кунда илмий ишлаб чиқариш корхонаси ходимлари янги сироплар устида иш олиб боришмоқда. Ушбу янги сироплар болаларнинг томоқ оғриши ва йўталига қарши жуда ҳам фойдалидир. Улар ҳам асосан маҳаллий доривор гиёҳлар аралашмасидан тайёрланмоқда. Шунингдек, корхона мутахассислари ампулалар ва энцефалог дорилар устида ҳам тажриба синовларини ўтказишмоқда.

— Маълумки, биргина шахримизнинг ўзида шундай дори воситалари ишлаб чиқарадиган ўндан ошмиқ корхоналар мавжуд. Ушбу корхоналарнинг кўпчилиги талабдан келиб чиққан ҳолда бир хил маҳсулот ишлаб чиқаради. Харидор ҳам ўз навбатида ушбу маҳсулотлар орасидан сифатли, табиий дори препаратларини сотиб олиш-

га ҳаракат қилади. Демак, ҳозирги кундаги бизнинг асосий мақсадимиз — сифатли ва табиий дори маҳсулотларини сотувга чиқаришдир, — сўзида давом этади корхона раҳбари. — Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, ҳозирда харидор сотиб олаётган маҳсулотнинг ташки қўрилишига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Шундай экан корхонамиз ходимлари билан ҳамжиҳатликда дори воситаларига зарур идишларнинг дизайни устида ҳам бош қотирмоқдамиз. Бу борада бизга ҳамкорликда фаолият юритаётган маҳаллий қўшма корхоналар яқиндан ёрдам бермоқда. Мисол учун «Фарм-глас» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси турли ҳажм ва шаклдаги флаконлари етказиб берса, «Астел», «Наса» корхоналаридан алюминий ва пластмасса қопқоқлар олинади.

— Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йили 1,3 миллиард сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, жорий йилда 28 миллиард сўмлик дори воситалари республикамизнинг барча дорихоналарига тарқатилган. Корхона чет давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини яхши йўлга қўйган бўлиб, Афғонистоннинг Кобул шаҳрида «Radik-Aril» қўшма корхонаси ташкил қилинди. Айни пайтда бу ерда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

— Албатта, сифатли ва табиий дори маҳсулотларга четда ҳам талаб юқори. Шунга кўра корхона ходимлари ноябрь ойи охирида 22 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотларни чет давлатларига экспорт қилишни режалаштиришган.

Орзугул РУСТАМОВА
СУРАТЛАРДА: цех бошлиғи Абдуқохор Каримов ҳаво билан пресловчи мосламада дори чиқарилишини кузатмоқда; оператор Наргиза Жумабоева тайёр дориларни кўрсатмоқда; тайёр дори воситалари.

Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.

Мулоҳаза, мунозара

КҮНГИЛДАГИ ГАПЛАР

ОБОДОНЧИЛИККА

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ободлик кўнгиладан бошланади, деган гап бежиз айтилмаган. Сабаби, юрт обод бўлса, кўнгиладан бошланади. Лекин ободлик ҳақида қанча бонг урмайлик, қуруқ гап билан иш битмайди. Гап исботи билан-да. Шундай экан, юрт ободлиги ҳақида барчамиз баравар жон куйдиришимиз керак. Лекин афсуски, ободлик учун ҳаммамиз бирдек масъул эканлигимизни унутиб қўйган ҳолларимиз ҳам кўп бўлади. Бунга истаганча мисоллар келтиришимиз мумкин. Ўзимиз кўчаларимиз озода бўлсин деймизу бироқ орзулаган ўша кўчаларимизни бўлиб-билмай, баъзан лоқайдлик билан ўзимиз ифлослантираемиз.

Ўзал шахримиз хуснига мос ва хос хиёбонлар кўп. Улар озодлиги, саришталлиги билан барчанинг диққатини ўзига тортади. Кун бўйи дам олувчилар билан гажум бўлган бу масканларда барча қулайликлар мавжуд. Оқшомга қадар соя-салқин, сўлим ушбу манзиллардан одамлар аримайди. Энди эрта тонгда ҳали фаррошлар иш бошламай туриб, шу хиёбонларни бир айланиб ўтингчи, қандай ноҳуш манзараларнинг шохиди бўлар экансиз. Ҳаммаёқ қозғов, елим шисалар, музқаймоқ идишлари, папироз қолдиқлари, гугурт чўплари, турли хас-хушлар билан тўлган ҳолатни кўриб шундай обод маскани оёқ ости қилган кимсалардан хафа бўласиз. Гўё бу манзара сизга мол тушиб пайхонлаган гўзал чаманзорни эслатади. Яхшики уларни вақтида супуриб-сидириб, йўловчилар пойқадамига саришта қилиб қўядиган фаррошлар бор. Агар улар бир кун ишга чикмай қолсин нима бўларкин?

Бирок, шу ўринда бир нарсани унутмаслигимизни истардик. Ахир кун бўйи катта супурги тутган бу озодлик посбонлари кимлар. Балки бу оппоқ сочли аёллар орасида сизнинг ёки бизнинг онамиз бордир. Ўз онамиз виҳнатини шу қадар менсимасликка қайси биримизнинг виҳдонимиз чидайдими. Тунги хордиқ вақтида ўша хиёбонда ястаниб ўтириб олган замонавий кийимдаги жўраларнинг қуюқ мулоқот чоғида бемалол писта қажиб ўтириши, ясан-тусан дугоналарнинг сирли сўхбат асносида оғзидаги писта пўчоқларини ҳеч тортинмай дуч келган томонга тупуриб ўтириши бизни ўта маданиятли деб билган бу ёшларга хосми? Ахир бу ноҳуш манзара ўзининг ўзбекона удумларимизнинг қайси турига қиради? Ота-боболаримиз умр бўйи бизга теварак-атрофни ифлослантириш у ёқда турсин, хатто сувга тупуриш ғуноҳи азим эканлигини қайта-қайта уқтиришганку. Наҳотки бу сўзлар у қулғимиздан кириб, бу қулғимиздан чиқиб кетган бўлса? Нима, шу қадар лоқайд бўлиб қолдикми? Ахир қачон ўз шахримизнинг хужайини бўламиз? Қачон озодагарчиликнинг оддий қонун-қоидаларига риоя қиламиз?

Мустақиллик шарофати ила йил сайин шахримиз обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Кўча ва хиёбонларимиз хуснига хўш қўйилляпти. Уларнинг таърифига тил ожиз. Истардикки, мана шу ободликка, гўзалликка доғ тушмасин. Баъзан кундалик юмушлар билан банд бўлиб ободончилик ишлари билан шуғулланишга вақт тополмаган фарсатларимизда ҳеч бўлмаса кўчаларимизни ораста сақлашга ҳаракат қилсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Садир ТОЛИПОВ

ЎЗИНГА ЭҲТИЁТ БЎЛ

Суд маҳкамаларидан бирида ўрта ёшли басавлат киши билан учрашиб, танишиб қолдик.

— Бир неча йиллардан бери тadbиркорлик қиламан. Икки-учта ошхонам бор. Топиш-тутишим яхши, — дея сўз бошлади сўхбатдошим. — Бир дам олиш кунни дўстлар билан маслаҳатлашиб чойхонада ошхўрлик қиладиган бўлдик. Қўлимда бир даста пул. «Олой» бозорига харажат қилиб юрсак кутилмаганда беш-олти ёшли кизалоқ юғуриб келиб «Адажон», дея бўйнимга осилиб қолди. Ноқулай вазият. Ҳамма ҳайрон. Нима қилишимни билмайман. Шу толда башанг кийинган, қадди-баста келишган ёшгина бир аёл биз томонга тез-тез юриб келди-да, кизалоқни мендан аранг ажратиб олди. Кейин ўқисиб деди:

— Кечирасиз, сизни адасига ўхшатиб шекилли. Бола-да отасини соғинади.

— Отаси қаерда? — беихтиёр сўрадим ундан.

— Бизни ташлаб кетиб қолган. Уни истаб Бухородан Тошкентга келдик. Билган манзилимизга борсак у жойдан аллақачонлар кетиб қолган экан. Шунга қилиб дарбадарликда юрибмизда акажон.

Уларга раҳим келди. Одамгарчилик юзасидан иш жойим, манзилимни ёзиб бердим. Агар бирор ёрдамим керак бўлса албатта кўнгирак қилишларини айтдим.

Эртасига тушлик пайти ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланиб ўтирсан хизматчилар ташқарида бир аёл мени йўқлаётганини айтишди. Билдимки ўша.

Ночор уларни ичкарига таклиф қилдим. «Уйга қайтмадингизларми?» деб сўрасам, «Энди қайтмаймиз, адамизни топиб олгунча бирор бошлана топиб яшаб тураемиз. Шу масалада ёрдам берсангиз хурсанд бўлардик» деди аёл кўз ёш тўкиб.

Одамлар савоб учун не-не ишларни қилаётганда мен шу ночор аёлга ёрдам берсам берибманда, деган мақсадга яқин бир ўртоғимга оғиз онсам у:

— Мўмин-мусулмон бўлса майли. Шартонома билан чет элга кетган қизим билан қувеймнинг уч хонали безатиқли уйи шундоқ турибди. Ўзимиз уйнинг ёлғизлигидан хавотирда эдик. Қайтага одам қўйса кўнглимиз тўқ бўлади, деди.

Хуллас Зулхуморни боласи билан ўша уйга жойлаштирдик.

Орадан уч-тўрт ой ўтди. Кунларнинг бирида анча кеч эшик тақиллаб қолди. Биринг очам дўстим аёли билан безовта турибди.

— Ҳа, нима гап тинчиликми? — сўрасам у:

— Худо уриб қолди биродар. Зулхуморингиз фирибгар экан. Бутун уйни шип-шидам қилиб жўнаб қолибди.

Ишонмай уйга бордик. Ичкарига кирдик. Қай кўз билан кўрайликки, уй ўри ургандек хувиллаб ётибди.

— Бирор борар жойини биласизми, — сўради дўстим мендан. Мен бош қимирлатиб бу аёл бутунлай нотанишлигини айтдим. Кейин уч-тўрт кун у ёқ, бу ёқни кидирдик. Тополмадик. Хуллас мана уч ойдирик, емаган сомсага пул тўлаб судлашиб юрибмиз.

Бу воқеани келтиришимиздан мақсад одамлар, кўзингизни каттароқ очинг. Кўчада чор-ночор кўришиб, турли алдовлар билан пинжигизга кирмоқчи бўлганларнинг ҳаммасига ишонаверманг. Сабаби, фирибгарлик йўлига кирганлар ўзи устомон бўлишади. Сал серақлики қўлдан берсангиз, бир зумда сизни ўзига ром қилиб сўзига чиппа-чин ишонтириб қўйишади, демокчимиз. Ҳар қалай ўзинга эҳтиёт бўл, қўшинингни ўғри тутма, деган гап борку.

Содиқ ҚОДИРОВ

ЭЛЧИХОНАДА ДЎСТАИК КЕЧАСИ

Мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонасида «Ватаучи-Узбекистон» дўстлик кечаси бўлиб ўтди. Унда Нагано шаҳрида жойлашган Ватаучи мактабининг раҳбарияти, муаллим ва ўқувчилари иштирок этди.

Ватаучи мактаби билан ўзаро алоқаларимиз 1996 йили бўлиб ўтган Нагано олимпиадасида ўрнатилган эди. Ушанда шаҳар маъмурияти Наганодаги таълим муассасаларига олимпиада иштирокчиларига мезбонлик қилиш тақлифи билан мурожаат этган ва Ватаучи мактаби ўзбекистонлик спортчиларга хайрихоҳлик билдирган эди.

Салкам ўн йиллик тарихга эга бўлган бу дўстона муносабатлар йилдан-йилга мустахкамланиб бормоқда. Утган давр мобайнида Ватаучида халқимизнинг бой маданияти, тарихи ва урф-одатларига бағишланган қатор тadbирлар ўтказилгани бунинг ёрқин далилидир.

Дарҳақиқат, Ватаучи мактаби ҳамда ўзбекистоннинг қатор ташкилот ва муассасалари ўртасида яқин дўстона алоқалар мавжуд. Масалан, ўзбекистон Республикаси Бадий академияси иштирокида икки мамлакат ёш rassomларининг кўргазмаси ташкил этилди, японияликлар мамлакатимиз пойтахтидаги С.Азимов номли 64- мактаб билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Ватаучида ўзбекистон маданияти кунлари-

нинг ўтказилиши анъанага айланиб қолган.

Дўстлик кечасида Ватаучи мактаби директори М.Ториноуми япон халқи ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти ва урф-одатларига катта қизиқиш билан қараши ҳақида тўхталар экан, улар Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимизни зиёрат қилишга ҳамisha ошиқиларини алоҳида таъкидлади.

— Биз иккинчи жаҳон урушидан сўнг юртингиздан паноҳ топган ватандошларимизга кўрсатилган эътиборни юксак қадрлаймиз, — деди М.Ториноуми. — Аминманки, шу кунларда мурғак қалбларга сочилаётган дўстлик уруғлари келажакда ҳам халқларимиз ўртасидаги алоқаларнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

Тadbир давомида Ватаучи мактаби вакиллари мамлакатимизнинг ҳозирги ҳаёти ва ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар билан танишдилар. Учрашув сўнгида ҳамкорлик янада мустахкамлаш ҳамда қўшма лоийҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

«Жаҳон» АА

Маълум

ЭШИТГАНДАН КЎРГАН АФЗАЛ

Юртимизни гаразғўй кимсалар ва ёвз ниятлардан, ёшларимизни эса турли иллатлардан ҳимоя қилиш — бугунги куннинг асосий вазифаси бўлиб қолди. Шу мақсадда Тошкент туризм касб-хунар коллежида ўқувчиларни миллий истиклол голяри руҳида тарбиялаб, она юртва содик фарзандлар этиб камол топтиришга, уларнинг маънавий оламни бойитишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Яқинда Республика «Турон» ёшлар театри жамоаси «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмади!» мулоқот томошасини коллеж ўқувчиларига намойиш этди. Маҳмуд Қурбоний ва Ёрқин қаламига мансуб бу спектакль ўқувчиларга манзур бўлди. Ролларни театр актёрлари Лола Толипова, Нигора Ваҳобова, Мухтабар ва Равшан Ёриевлар ижро этди.

— Бу томоша бизга жуда зарур эди, — дейди 1-босқич ўқувчиси Беҳзод Жовмирзаев. — Спектаклда гиёвандлик, терроризм, ўз жонига қасд қилиш каби салбий иллатларнинг оқибатлари кўрсатиб берилди. Бу бу иллатдан узоқ юришга ҳаракат қиламиз. Томоша давомидаги мулоқот, суҳбат ҳам жонли ўтди.

Ушбу фикрни «Хуснибод» маҳалласи оқсоқоли Панжи Алиқулов, профилактика нозир Шерзод Каримов ва коллеж ўқитувчилари ҳам таъкидлашди.

Дарҳақиқат, турли тadbирлар орқали ўқувчиларни тўғри йўлга солиш, қуруқ насиҳат билан эмас, оқибатини кўрсатиб, ёмон иллатлардан асрай олиш ниҳоятда зарур. Зеро, «Юз бор эшитгандан бир бор кўрган афзал» деб бежиз айтилмаган.

Маҳмуда
ВАЛИЕВА

Тadbирлар

САЛОМАТЛИК — КОНИ БОЙЛИК

Кўни кеча шаҳримиздаги 123-мактабда «Саломатлик — кони бойлик» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

— Ушбу тadbирни ўтказишдан мақсад — дейди мактаб директори Дилдора Зокирова, — ўқувчиларни ҳар доим саломатликларига кам эътибор беришлари, уларни бу ҳақда огоҳлантиришдан иборатдир. Ҳозир куз фасли, ҳаво гоҳ исиб, гоҳ совиб боряпти, шу сабабданми баъзи ёшлар шамоллашган. Биз наинки шифокорлар билан, балки ўз жамоамиз билан ҳам кийиниш маданияти, тиббий

маданият ҳақида тез-тез шундай суҳбатларни уюштиришни ўз олдимиизга мақсад қилиб олдик. Ниятимиз ўқувчилар ўз саломатликларига ўзларини жавобгар деб ҳис қилишсин. Шунингдек 7" ва 6" синф ўқувчилари ҳам шундай очиқ мулоқотли эрқин учрашувларни ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

Ўз муҳбиримиз.

Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси қошидаги «Қутқарув хизмати» 050-нوم жорий йилнинг 9 ойи мобайнидаги иш фаолияти Тошкент шаҳар аҳолиси ва худудларининг хавфсизлигини таъминлашга, фавқуллодаги вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга, аҳолини фавқуллода вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш борасидаги тайёргарлигини оширишга ва кенг қамровли тарзда олиб боришга қаратилди.

«Қутқарув хизмати» 050» телефонларига ёрдам ва маслаҳат сўраб ўтган вақт давомида шаҳар аҳолиси, меҳмонлари ҳамда ташкилотлар ва муассасалардан 151452 мартаба мурожаатлар келиб тушди.

Уларнинг 1757 тасида, фавқуллода вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган чақирувларга «Қутқарув хизмати» кутқарувчилари, мутахассислари ва бошқарма офицерлари зудлик билан воқеа содик бўлган жойга етиб бориб экстремал вазиятларга тушиб қолган инсонларга керакли техник ва тиббий ёрдам кўрсатишди. Булардан ташқари 149695 та мурожаатлар бўйича бошқарма томонидан авария муҳофазаси хизматлари фуқаро-тиклаш гуруҳлари ишлари мувофиқлаштирилиб борилди.

«Қутқарув хизмати» кутқарувчилари томонидан 294 мартаба ўрнидан тура олмайдиган кекса ногиронларга ва қарияларга тезлик билан биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. 533 мартаба газ плиталари, электр жиҳозлари ёки эшиги қулфланган хонадонлар махсус асбоб-ускуналар ёрдамида очиб бери-

либ, ёнғин-портлаш хавфи ҳамда одамларнинг газ билан захарланиши каби фалокатларнинг олди олинди. 470 мартаба ичиде ёш болалар қолган хонадон эшикларини очиб берилиб ёш болаларнинг газ билан захарланишининг олди олинди ва гўдакларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. 62 мартаба Тошкент шаҳар Со-

лар ва шаҳар худудидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси, каналлар ва ариқларнинг қирғоқларини текшириш мақсадида канал ва ариқлар ҳолати доимий равишда ўрганилиб чиқилмоқда.

Тошкент шаҳар фуқароларидан ҳамда меҳмонларидан тушган аризаларга ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқ-

ойи мобайнида 24 мартаба), Юз берган фавқуллода вазиятлар натижасида 15 нафар инсон ҳалок бўлган, 2 нафар инсон тан жароҳати олган. Бу фавқуллода вазиятларнинг 2 таси транспорт воситаларининг тўқнашиши, 1 таси ёнғин, 2 таси инсонларнинг табиий газ билан захарланиши билан боғлиқдир. Олиб бориладиган профилактика ишлари натижасида 2004 йилга нисбатан 79,2 фоизга фавқуллода вазиятлар сони камаяган.

Қутқарувчиларимиз ҳар бир чақирувга саноқли лаҳзаларда етиб борадилар ва касб-ҳунардорларни кўрсатадилар. Шундай дово-рак, мард, жасур йигитларимиз сафига бошқарма маъсूल ходимларидан лейтенантлар Рустам Абдухолиқов, Азиз Жалилов, катта лейтенант Хусан Бобонов каби қатор ҳамкасбларимизни кириштириш мумкин. Уларнинг беғараз ёрдамлари доимо бошқаларга ўрнак бўла олади. Зеро, «Қутқарув хизмати»да асл мард, фидойи инсонларгина ишлаш олади.

Маълумки, кўнгилсиз ҳодисаларнинг аксарияти беғаровлик, лоқайдлик оқибатида содик бўлмоқда. Доимо тушёр ва огоҳ бўлишимиз замон талабидир.

Яна бир бор таъкидлашимизки, агар Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси «Қутқарув хизмати»нинг ёрдамига муҳтож бўлсангиз, кун ва тунинг исталган вақтида бепул хизмат кўрсатувчи кутқарувчиларимизга «050» телефони орқали мурожаат қилинг.

Соҳиб ҚУДРАТОВ,
бошқарма Ахборот-таҳлил гуруҳи катта инспектори, лейтенант

Шарқ дурдоналари



● Анушервон бир кунни Юнондан:
— Энг яхши яшаш нима? — деб сўради.
Юнон унга:
— Саломат бўлиш ва хотир-жамликда яшаш — яхши яшашдир. Аммо, яхши ном қолдириш кишининг абадий яшашидир! — деди.
● Ҳормус ҳаким сўзларидан. У айтади:
— Одам учун сазовор нарса шуки, у ҳикмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин. Ҳикмат ва фазилатга етишга ҳеч қим қаршиллик, тўқсинлик қилолмайди. Ҳикмат шундай нарсаки, у ўзгармайди ва касод бўлмайди. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бўлса, на ботир, на қаҳрамон, на подшоҳ ҳеч қим уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю дили бошқа бўлмасин!

● Бабузмехр айтади:
— Билгинки, ҳақим ўз тadbирати билан қуйидаги хислатларга эга бўлмоғи керак. Биринчи, қўлдан кетиш ва абадий турмаслиги муқаррар бўлган мол билан фахрланмаслик. Иккинчи, бошга келган меҳнатдан кўрқиб изтироб чекмаслик. Учинчи, келажакда унга миясар бўладиган давлат учун шодланмаслик. Туртинчи, ўзига лойиқ ва муносиб бўлмаган нарсани оруз қилмаслик. Бешинчи, етишолмайдиган нарса учун қайғу тортмаслик.

● Уч нарса ўз соҳибига ёмонлик келтиради. Булар қуйидагилардир: биринчи, мансаб эгаларининг кам ҳаракат ва беҳафсалалиги. Иккинчи, олимларнинг серғазва бўлиши. Учинчи, хотинларнинг бешарм бўлиши.
● Насиҳат қабул қилмаган кишига насиҳат қилмоқ ўз қадрини синдиришмоқдир. Очкўз кишини очкўзликдан қутқариш учун уринмоқ ўз вақтини беҳуда йўқотмоқдир. Жаҳонда тарвақий қилмоқни ихтиёр қилган кишилар иши одоғга яқин бўлмоқ, ёмонлик қилишдан қочмоқ, яхши дўстларга суянмоқ ва ҳамсуҳбат бўлмоқдир.

● Яхшилик қилишга бўлмаса имкон, ёмонлик қилмагин, қайтар ўзингга. Кўполлиқни ташлаб, лутфингни кўрсат, Токи чўп тушмагай соғлом кўзингга. Бировнинг гийбатин қилмагин асло, Ночорлик бокмагай нури юзингга. Хар кимга юмшоқ сўз гапиролмасанг, Захар қўшмай гапир хар бир сўзингга.

● ҲИКМАТ: Ҳақимларнинг ҳикматларидан келтирилишича, ёлғизликдан кўра қийинроқ меҳнат йўқ. Бироқ ёлғизлик ҳақим улофатдан ахшироқдир.
Байт:
Ёлғизликдан оғир ганж йўқ жаҳонда,
Ундан баттар нима?
Биласанми ҳеч?
Ёмон улфатдан ахшироқдир, яшамок эрур,
Бундай кишилардан узок юру кеч!

«050»: Қутқарув хизмати

АСЛ МАРДАЛ ЁРДАМГА ДОИМО ШАЙ

Пойтахтимизда Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармасининг «Қутқарув хизмати» 050» фаолият кўрсатиб келмоқда. Туну кун ҳамшаҳарларимизга беминнат, бепул хизмат кўрсатаётган «Қутқарув хизмати» ишларини ёритишимиздан мақсад пойтахтимиз аҳолисини рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлардан сақлаб, доимо хушёрликка ва сергалликка даъват этишдир.

ғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда профилактика инспекторлари билан биргаликда, 129 мартаба оммавий тadbирларда хавфсизлиқни таъминлаш мақсадида, 269 мартаба Ички ишлар бош бошқармасининг ходимлари билан ҳамкорликда мувофиқлаштириш ишлари олиб борилди. Тошкент шаҳри худудида содик бўлган 29та йўл-транспорт ҳодисаларида Ички ишлар бош бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари иштирокида жабрланган фуқароларни шикастланган автоуловлардан чиқариб, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади ва жароҳатланганлар тезда тиббий муассасаларга олиб борилиб, уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Бошқарманинг «Сувда қутқарув гуруҳи» фаввослари томонидан аҳолидан тушган мурожаат-

армасининг мурожаатига мувофиқ «Сувда қутқарув гуруҳи» фаввослари томонидан 120 мартаба чақирувларга қўйилиб, 53 бор сув тубига чўкиб кетган одамларнинг жасадларини топиш мақсадида қидирув ишлари олиб борилиб, топилган жасадлар худудий ички ишлар бошқармаларининг тезкор-тергов ходимларига топширилди.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ишлаб чиқариш корхоналарида 210 мартаба ўтказилган барча махсус-тактик машғулотларда «Қутқарув хизмати» кутқарувчилари қатнашдилар ва бу иштирокларини уларнинг хар кунли иш фаолиятида эпчилликка, чаққонликка ва касбий маҳоратларини оширишга амалий тажриба бўлиб келмоқда.

Тошкент шаҳри худудида 5 мартаба 2 та табиий, 3 та теҳноген хусусиятли фавқуллода вазият содик бўлди (2004 йил 9

Ғоқибон

**ШАХРИМИЗ
ЖАМОАЛАРИ —
ФИНАЛДА**

Олий ва биринчи лига клубларининг ўсмирлардан таркиб топган жамоалари ўртасида турнир ташкиллаштириш аъза-нага айланиб қолди. Жорий йилда ҳам ушбу аъна-на бузилмади.

Олий ва биринчи лига клубларининг 1989, 1990-йилларда туғилган ўсмирлардан таркиб топган жамоалари ўртасидаги турнирлар мутахассислару мухлисларда яхши таассурот қолдирди. 1989 йилда туғилганлар ўртасида «Нефтчи», «Пахтакор», «Сўғдиёна», «Насаф», «Кизилқум», «Тўпаланг» жамоалари икки гуруҳда баҳс олиб борган ушбу мусобақаларда рақибларидан кўра ажойиб ўйин кўрсатган «Пахтакор» ҳамда Қаршининг «Насаф» жамоалари финалга йўлланма олишди. 1990 йилда туғилган болалардан ташкил этилган жамоалар мусобақаси ҳам қизиқарли кечди. Аввало, ушбу турнирда «Локомотив», «Навбахор», «Металлург», «Машъал», «Тўпаланг», «Кизилқум» жамоалари икки гуруҳда ғолиблик учун кескин кураш олиб боришганини айтиш жоиз. Шуниси эътиборлики, турнир финалгига рақибларини мағлуб этиб, мухлисларига ажойиб ғалабаларни тўхфа қилган Муборакнинг «Машъал» ҳамда Тошкентнинг «Локомотив» жамоалари етиб келишди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, шахримиз жамоалари рақобатлари, мураббийлари болалар футболлини ривожлантиришига ҳам катта эътибор қаратиш-моқда.

**МАГДИЕВ
ҚАЧОН
МАЙДОНГА
ТУШАДИ?**

Жорий йилги мавсум «Пахтакор» жамоаси ярим ҳимоячиси, терма жамоамиз аъзоси Элдор Магдиев учун анча омад-сиз кечди.

Гап шундаки, 6 август куни Наманганда «Навбахор» ҳамда «Пахтакор» жамоалари ўртасидаги чемпионат учрашувида тошкентликлар сафида тўп сурган Элдор жароҳат олганди. Ҷамадан бери майдонга туша олмаётган Элдор Магдиев Москвадаги ортопедия ва травматология клиникасида тажрибали шифокорлар кўлида даволанди. Қизиғи шундаки, Элдор куни кеча Тошкентга қайтган бўлсада, ҳамон унинг қачон майдонга тушиши номаълум. Мухлисларга шунини эслатиб ўтамизки, жорий йилги чемпионат беллашувларида Элдор «Пахтакор» таркибиде саккиз маротаба тўп сурган ҳолос.

(Ўз мухбиримиз)

Қўрғазманлар

**КУЛОЛЧИЛИК ВА
РАНГТАСВИР АСАРЛАРИ**

Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида сурхондарёлик рассом Тўра Шомирзаевнинг шахсий қўрғазмаси очилди.

Қўрғазма очилишида сўзга чиққанлар рассомнинг керамика асарлари хунармандлар орасида ўз услубига эғалиги билан ажралиб туришини айтиб ўтишди. Таъкидлаш жоизки, Т.Шомирзаевнинг Сурхон воҳосининг гўзал манзаралари акс этган рангтасвир ҳамда ўзинга хос маҳорат билан яратилган кулолчилик асарлари ижодкорнинг санъатга бўлган улкан меҳрини ифодалайди.

Рассомнинг ҳаёти ва ижодига назар ташлайдиган бўлсак, Сурхон воҳосининг

Бойсун туманида таваллуд топган бўлажак мўйқалам устаси П.Бенков номидаги Республика бадий билим юртининг бадий кулолчилик бўлимида, кейин эса Тошкент театр ва рассомчилик институтида таълим олди. Шунингдек талабалик йилларидаёқ шахримиздаги кўплаб хайкалтарошлик объектларининг қурилишларида иштирок этди.

Ўқини муваффақиятли битириб, рассом ўз юрти Сурхондарёга қайтди ва Бойсун, Риштон, Душанбеда кўплаб асарлар

яратди. Ижод билан бир қаторда Самарқанд меъморчилик институтида ёшларга сабоқ берди.

Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Тўра Шомирзаевнинг рангтасвир асарлари турли фалсафий мазмунда яратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан унинг «Кўза кўтарган одамлар», «Машаққатли йўл», «Сўзлагувчи тошлар», «Қабутар ушлаган аёл» каби асарлари инсон ўз ҳаётида машаққат чекиб бўлса-да, осойишталик ва сокинликка эришишини тасвирлайди. Сурхондарёнинг гўзал табиати, нафосатли аёллари, ёрқин куз манзаралари, рангбарангликка тўла ҳаёти мўйқалам устасининг «Нур ва соя», «Узум хосили», «Кекса дарахт», «Богда» каби рангтасвир асарларида акс этган.

Қўрғазма экспозициясида 45 дан ортиқ асарлар ўрин олган бўлиб, у 13 ноябргача давом этади.

Юлдуз РИЗАЕВА

**Табиаат
ажойиботлари**

**КИМДА НЕЧТА
КЎЗ БОР?**

Табиаат ажайиботларга тўла. Ҳаттоки кўзи бўлмаган ҳайвонларда ҳам кўриш аъзоси мавжуд экан. Масалан, ёмғир чувалчанги тери юзасида кўриш хужайралари тартибсиз жойлашган, уларни фақат микроскоп остида кўриш мумкин. Атроф-теваракни бундай кўз билан кўриб бўлмайди. Лекин кундузги тундан, кўшнни соядан, ёруғликни қоронғидан бемалол ажратса бўлади, чувалчанглар учун мана шунинг ўзи етарли.

Балиқ, зулук қабиларда кўриш хужайралари гавдасининг охирида, яъни думида жойлашган бўлади. Денгиз қолдузида бундай хужайралар беш дона бўлиб, барчаси уларнинг қўлларида жойлашган.

Мушук, тулки, бойўғли, уқки қабиларда шунингдек, барча тунги хашаротларда кўриш қобилияти кўзининг сезувчанлик хусусиятининг кучайиши билан изоҳланади.

Тунги ҳайвонлар кўз қорачиги думалоқ эмас, узунчоқ шаклда бўлади, бу эса кўз тешиги ҳажмини катта диапазонда ўзгартириб туриш имконини беради. Чаламаймунар ва қиллари бўлиши лемулар ҳақиқий тунги ҳайвонлар бўлиб, кўзалари ўта катта бўлади, улар кўланка сингари дарахт учаларида изғиб юради. Кичкинагина калласига қараганда ўта катта кўзи билан лемулар бошқа жинсдорларидан ажралиб туради. Тунги ҳайвонларнинг кўзида ёруғликни қайтаридиган қатлам яхши ривожланган, у махсус рангли модда билан тўлдирилган. Ана шу хужайралар тўфайли кўз тўридан ўтаётган ёруғлик акс нур беради. Тунги ҳайвонлар кўзининг қоронғуда ялтирашининг сабаби ҳам ана шунда. Кундузги ҳақиқий йиртқич қушлар — қирғий, бугутлар узок масофадан кўришда мутлақ чемпион ҳисобланади. Улар ерда гуориб юрган сичқонни узок баландликдан кўра олади.

Барча ҳайвонларнинг кўзи ёруғликни турлича қабул қилади. Масалан, хашаротлар, бақалар, балиқлар бир нуктага қарагандек тикилиб туради — уларнинг буртиб чиққан кўзалари ҳаракат қилмайди. Бундай кўзалар унинг олдида ўтиб кетаётган ҳаракатдаги жонзотларни кўради, ҳолос. Инсон кўзи ҳам ҳаракат қилмаганда кўп нарсаларни кўрмаган бўларди.

Яё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори



● Юнусобод туманида жойлашган хонадонларнинг бирида ўғирлик содир қилинди. Фуқаро Ҳужаннэзовга тегишли бўлган уйда ижарада яшаб турган, ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаро Муслимов, уй эгасининг вақтинчалик йўқлигидан фойдаланиб, ушбу хонадондан 1.500.000 сўмни ташкил қиладиган турли хил қимматбаҳо буюмларни ўғирлаб, қўйиб бўлган. Уй эгасининг етказган маълумоти асосида амалга оширилган тезкор қидирув ишлари натижасида Юнусобод тумани ИИБ жиноят қидирув хизмати тезкор ходимлари томонидан, далилий ашёлар билан, яъни биллурдан ясалган турли хил идишлар, видео-аудио магнитофон, қимматбаҳо чой идишлари термаси, тақинчоқлардан иборат бўлган буюмлар билан Муслимов бошқа хонадонлардан бирида қўлга олинди ва унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

● Муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган, Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган Азиза исмли аёл, ўтмишдан ўзига ҳеч бир хулоса чиқармаган қўринад. «Ўрганган кўнгил — ўртанса қўйма» деганлари шу эканда... Эски хунарини кўмсаган Азиза, бирон-бир касбнинг бошини тутмай, аксинча осонгина пўл топиш мақсадида, яна одамларнинг ишончига кириб, уларнинг пулларига эга бўлишни режалаштирди. Ва

шундай ишонувчан, содда одамлардан бирини топиб, ўз «хунарини» ишга солди. Юнусобод туманида истиқомат қиладиган дугонаси Дилфуза «Агар хохласан сени Хитой давлатига бориб ишлашинг ёрдам бераман, нима қилсан уйда ўтириб, ҳам пўл топсан, ҳам дунёни кўрасан,» — деб ишонтирди. Бу таклиф Дилфузани қизиқтириб қўйди. Буни сезган Азиза — «Бирок олдиндан кўкидан, бунини атиги — 1.600 Америка долларидан тўласан бас, кейинчалик бу пулларнинг ўрнини яна қоплайсан, бундан кўнглинг тўқ бўлсин» деб ишонтирди. Бир неча кундан сўнг айтилган «кўки» Азизанинг чўнтағида эди. Иш пишди. Шу билан Азиза ҳам ғойиб бўлди. Орадан бироз вақт ҳам ўтди. Дилфуза кута-кута нима қилишини билмай, бўлиб ўтган воқеани англаб етгач, икки ишлар идораларига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Фирибгар Азиза икки ишлар идораларининг назоратида бўлганлиги учун, Тошкент шаҳар ИИББ тезкор ходимларининг олиб борган қидирув ишлари ўз самарасини берди. Энди Азиза Тошкент шаҳар икки ишлар бош бошқармасида жам-юз терговчининг саволларига жавоб берад экан, фирибгарнинг кирдиқорларидан азият чекканлар битта Дилфуза эмас эканлиги маълум бўлди. Дилфузадан кейин ҳам Азиза яна бир неча одамларни ана шундай лақабланиб кетган экан. Эндиликда Азизанинг ўзи унчалик узок бўлмаган «тарбиявий жойларга» сафарбар қиладиган бўлди.

ЮЛДУЗ АШИРОВА,
Тошкент шаҳар Магбуот маркази
катта инспектори, майор

Мунажжим башорати

**ЯКУН ВА
ХУЛОСАЛАР
ЧИҚАРИЛАДИ**

1 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

Бугунги кун барча буржлар хосиятини камраб олади. Ойнинг ҳамма кунлари орасида унинг алоҳида ўрни бор. Мунажжимлар таъкидига кўра, бугунги кун якун ва хулосалар чиқариладиган, инъом-эҳсонлар бериладиган, айни пайтда ишлар ниятисига етказиладиган ва янгисига киришиладиган ҳамда қарзларни узиш керак бўлган кундир.

Никоҳ бурчидан бошқа ҳеч қандай севги-муҳаббат ришата с бўлиши мумкин эмас. Бугун кўпроқ осмонни, юлдузларни кузатиш керак. Кўёш чарқлаб туриб ёмғир ёғиши — яхшиликка: бу само тўхфасини, узок хасталикдан ҳалос бўлишни билдиради. Момақалдирок гулдираб, булутлар орасида чакмоқ қақиши ноҳушликлардан оғохлантиради. Кечаси бошингиз узра булутлар тарқалиши, тонг шафаги кўзга ташланиши — жуда яхши. Осмонда ёзувларга ўхшаш белгиларни кўриш ундан ҳам яхшироқ — сизга ба-

шоратчилик иқтидори тўхфа этилади. Бир хил шаклдаги булутларни уч бор кўришингиз ҳаётингизда тўла ўзгариш юз беришини билдиради.

Бугун ортиқча қасамлардан ва ўйламай бериладиган ваъдалардан тийилиш керак. Зеро, уларнинг ҳаммасини тўлик бажариш лозим бўлади. Ой йўналишсиз ҳолатда бўладиган вақт оралиғида (соат 01.12 дан 09.30 гача) ўз ҳисобларингиз давлатига қулук солманг. Акс ҳолда фарован ва «ғўзал ҳаёт»га интилишингиз ўзингизга қимматга тушиши мумкин.

Бир неча бор сизни исмингиз билан чақириса (ҳатто шундай туюлиши ҳам мумкин) яхшилик аломати ҳисобланади. Шамолдан деразанинг очилиб кетиши ёҳуд ойнанинг синиши ҳаётингиздаги бўлажак оғир ўзгаришлардан, кўзгунинг синиши эса — мавжуд хавф-хатардан оғохлантиришидир. Ер ости дунёси, тупроқ билан боғлиқ аломатлар ҳам бор. Чангда қолиш, лой тегиши қабилар курашиш заруратини билдиради. Ҳамага йиқилиб тушиш — сирларингиз ошкор бўлишига ишора.

Ёрқин, эсда қоларли ва кўёш кўтарилганидан кейин

қўрилган тушлар башорати бўлади. Улар тез орада ўнгидан келади.

Ҳаммон, уқалатиш ва бадани чиниқтириш фойдали ҳисобланади. Бугун овқатдан ўзингизни қисманг.

Кийимлардан қора, кўк ва яшил ранглилари кунингиз омадли ўтишига ёрдам беради. Сарик ва қизил рангли либослар бугунги кун руҳига мос келмайди.

БУГУН:

- муҳим ишларни бошлаш;
- ўзингизга ёқмаган барча нарсаларни алмаштириш;
- ишлаб чиқаришга оид ва бошқа муҳим муаммоларни ҳал этиш;
- олдингизга муракаб бўлмаган муаммоларни кўйиб, уларни тезда бир ёқлик қилиш;
- спорт, оддий жисмоний меҳнат билан шуғулланиш;
- қурилиш ва монтаж ташкилотлари вакиллари, ишдаги шериклар билан учрашиш;
- ирода, кунингиз ва қатъиятингизни намоён этиш;
- бўш вақтингизни ўроқларингиз билан кичик зиёфат уюштириб ўтказиш тавсия қилинади.
- Интеллектуал меҳнатга кўп вақт сарфлаш, ташкилчилик қобилиятингизни намоён этиш ҳозирча мақсадга мувофиқ эмас.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ақмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқ објект
узулида босилди.
2496 нускада босилди. Қўроғ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-03 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланганлиги.

«Шарк» нашриёт-матбаа оқшадорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.